

ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИДА ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ АҲАМИЯТИ

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
3-курс 314-гурух курсанти
Д.О.Исроилова

Аннотация: Мақолада давлат ва жамиятни бошқарувида хуқуқбузарликлар профилактикасининг аҳамияти, тушинчаси, мавжуд хуқуқий асослари ва амалга оширилувчи асосий йўналишлари. Давлат ва жамиятни бошқарувида хуқуқбузарликлар профилактикасининг амалий аҳамияти ҳамда бугунги кунда давлат ва жамиятни бошқарувида хуқуқбузарликлар профилактикасини профилактика инспекторлари фаолятида қай даражада қўлланаётганлиги. Давлат ва жамиятни бошқарувида хуқуқбузарликлар профилактикаси қўлланилишининг амалий фаолятидаги аниқланаётган муаммо ва камчиликлар ҳамда ушбу фаолятини такомиллаштириш истиқболлари ёритиб ўтилган.

Таянч сўзлар: давлат, жамият, хуқуқбузарлик, бошқарув, жиноятчилик сабаблари, Жамоат хавфсизлиги департаменти, ижтимоий-иқтисодий йўналиш.

Аннотация. *Нарушения в управлении государством и омпаниями, значение продвижения, толкование, равовая основа закона и принципы реализации. Практическое значение профилактики преступности в управлении государством и обществом. Выявленные проблемы и недостатки внедрения профилирования преступности в управление государством и обществом, а также перспективы совершенствования этой деятельности.*

Ключевые слова: *государство, общество, преступность, управление, причины преступности, Департамент общественной безопасности, социально-экономическое направление.*

Annotation. *the importance of crime prevention in the management of the state and society, its concept, existing legal bases and main directions of implementation. The practical importance of the prevention of crimes in state and society administration and the extent to which the prevention of crimes in the state and society administration is used today in the activities of preventive inspectors. The identified problems and shortcomings in the practical activity of crime prevention in the management of the state and society, as well as the prospects for improving this activity, are highlighted.*

Key words: *state, society, crime, management, causes of crime, Department of Public Security, socio-economic direction*

Давлат ва жамият бошқарувида хуқуқбузарликлар профилактикасининг аҳамияти тушунчаси бу - Ваколатли органлар томонидан давлат ва жамият бошқарувида ҳамда унда ўрнатилган қонун қоидаларга бир хилда амал қилинишини тaminлаш. Унга зид ҳаракат қилиб, фуқоролар ва жамиятнинг манфаатларига қарши муносабат билдирувчиларга турли хилдаги профилактика чора-тадбирларни қўллашдан иборат

фаолиятдир. Давлат ва кишилик жамияти қарор топиши билан инсон ҳаёти ва соғлиғига қарши ижтимоий хавфли қилмишлар содир этилган дастлабки даврларданок уларнинг олдини олишга қаратилган одат нормалари қаторида илк таълимотлар ҳам вужудга келди. Давлатнинг ташкил топиши натижасида ушбу ижтимоий хавфли қилмишлар ҳуқуқ билан тартибга солиниб, жазо қўлланилиши таҳдиди билан ҳуқуқбузарлик сифатида баҳоланиши ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳақидаги таълимотларнинг ҳам муайян тизимда ривожланиб боришига хизмат қилди. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳақидаги таълимотлар—бу ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитларни бартараф қилишга қаратилган ғоялар, фикрлар, қарашлар ва нуқтаи назарлар мажмуи ҳисобланади. Марказий Осиё ҳудудида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳақидаги илк таълимотлар Зардўштийлик динининг асосий манбаи—«Авесто»да, қадимги халқларнинг битикларида, халқ оғзаки ижодида акс этади ва ушбу таълимотларнинг ўзагини эзгулик ва ёвузлик, ёмонлик ва яхшилик, адолат ва адолатсизлик ўртасидаги курашни ўз ичига олувчи, инсонни эзгуликка чорловчи ғоя ва қарашларда намоён бўлади. Чунончи, эзгулик, яхшилик инсонни яхши амалларни бажаришга, жиноят содир этишдан тийилишга ундайди. Ёвузлик ва ёмонлик эса инсонни ҳуқуққа хилоф ишларни қилишга, қабихликка, ёвузларга хос хатти-ҳаракат, хунрезлик ва жоҳилликка, содда қилиб айтганда эса ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этишга даъват этади. Авесто, Овасто (парфиёнча *apastak* – матн; кўпинча «Зенд-Авесто», яъни «тафсир қилинган матн» деб аталади) – кўпчилик тадқиқотчилар фикрига кўра, Ўрта Осиёда, хусусан Хоразмда милоддан аввалги 1-минг йилликнинг 1-ярмида вужудга келган Зардўштийликнинг муқаддас китоблари тўплами. Авесто узок вақт мобайнида шакланган бўлиб, унда келтирилган маълумотларнинг энг қадимги қисмлари милоддан аввалги 2-минг йиллик охири 1-минг йиллик бошига оид бўлиб, оғзаки тарзда авлоддан-авлодга ўтиб келган. Кейинги асрларда унинг таркибига турли диний урф-одатлар баёни, ахлоқий, ҳуқуқий қонун-қоидалар қўшилиб борган. Авестони Зардўшт диний асар сифатида бир тизимга солган. Дастлабки ёзма нусхаси эса 12 минг мол терисига битилган деб ривоят қилинади. Авестода баён этилган ғояларга кўра, олам икки асоснинг, икки ибтидонинг, яъни ёруғлик билан зулматнинг, яхшилик билан ёмонликнинг тўхтовсиз курашидан иборат. Яхшилик ва эзгулик худоси Аҳурамазда ер, ўсимлик ва бошқа ҳамма табиий бойликларни яратган. Ёмонлик ва ёвузлик тимсоли Анхрамайну Аҳурамаздага қарши тўхтовсиз курашади, аммо уни енгишга ожизлик қилади. Бу кураш абадий давом этади. Яхшиликни ифодаловчи кучлар осмонда, ёмонликни ифодаловчи кучлар ер остида жойлашган, ер сатҳи эса кураш майдонидир. Ҳаётдаги турфа ўзгаришлар қайси кучнинг ғалаба қилишига боғлиқ. Инсон ҳам тана ва руҳнинг, ахлоқ эса яхши ва ёмон хулқнинг ўзаро курашидан иборат. Айниқса, Авестода жоҳиллик, зўравонлик, тухмат каби ёмон хислатлар қораланади, соф кўнгилли бўлиш, хиёнат қилмаслик, савдода бир-бирини алдамаслик, ҳақорат қилмаслик каби хислатлар тарғиб этилади. 3000 йил муқаддам икки дарё оралиғида, мана шу заминда умргузаронлик қилган аждодларимизнинг биз авлодларига қолдирган маънавий, тарихий мероси Авесто ўзбек, умуман Ўрта Осиё халқларининг қадим

давргади ижтимоийиктисодий ҳаёти, диний қарашлари, олам тўғрисидаги тасаввурлари, урф-одатлари, маънавий маданиятлари билан бирга жинойтларнинг олдини олиш ҳақидаги тасаввурларини ўрганишда муҳим ва ягона манба. Зардўштийлик таълимоти ва унинг муқаддас китоби Авестода одамларни имонли-этиқодли бўлишга, доимо покиза юришга, танани озода тутишга, ҳар қандай ёмон ният ва сўзлардан тийилишга, ёмон амаллардан воз кечишга, ножўя ишлардан юз ўгиришга даъват этадиган ахлоқий қоидалар, ўғитлар ниҳоятда кўп. Жумладан, «Вандидот» («Девларга қарши қонун»)нинг 13, 14-бобларида сувни тежаш, уни кадрлаш, ундан унумли фойдаланиш ҳақидаги қоидалар битилган. Унда шунингдек, сувни ифлослантиришни тақиқловчи қоидалар битилган. Бу қоидаларни бузганларга нисбатан мажбурий меҳнатга жалб қилиш жазоси белгиланган. Эр-хотиннинг бир-бирига хиёнат қилганлиги, никоҳсиз эр-хотинлик муносабатида бўлганлик учун тан жазоси белгиланган. Шунингдек, «Авесто»да ҳарбий тўқнашувлар, хунрезликлар, босқинчилик ҳаракатлари кескин қораланиб, хайрли иш қилиш, ахлоқ-одобли, билимли, маърифатли бўлиш эса турли диний ақидаларга мутлақ амал қилишдан устун деб қаралган. Олимлар томонидан Вандидот матнлари асосида жинойт (ҳуқуқбузарлик)ларнинг қуйидаги таснифи тузилган:

- 1) динга қарши жинойтлар: бидъат, бошқа диннинг вакили билан никоҳга кириш, руҳонийнинг вазифасини ғайриқонуний бажариш, атеизм;
- 2) шахсга қарши жинойтлар: қасдан ҳужум қилиш ёки жазава ҳолатида ҳужум қилиш, таҳдид қилиш, шифокорнинг зиён етказувчи ҳаракати, ҳомилани олиб ташлаш, регул ва ҳомиладорлик пайтида аёлнинг соғлиғига қарши жинойтлар;
- 3) ҳайвонларга қарши жинойтлар: айниқса, кучукларга қарши жинойтлар;
- 4) мулкий жинойтлар: ўғрилиқ, талон-торож, босқинчилик, фирибгарлик. Хасислик мулкий жинойтнинг алоҳида тури ҳисобланган;
- 5) ахлоққа қарши жинойтлар: бесоқолбозлик, фоҳишалиқ билан шуғулланиш («Вандидот», XVII, 114–121), эр-хотин хиёнати.
- б) табиат кучларига қарши жинойтлар: ерга, сувга, оловга ва ўсимлик дунёсига қарши жинойтлар.

Шунингдек, Авестода мазкур ижтимоий хавфли қилмишларни, яъни жинойтларни содир этган шахсларга нисбатан муайян жазо чорасини қўллаш масалалари ҳам тартибга солинган. Жумладан, Авестодан Зардўштийлик таълимотида қуйидаги жазо тизими бўлганлигини кўриш мумкин

- а) ўлим жазоси;
- б) қамоқ;
- в) тан жазоси;
- г) гуноҳини ювиш;
- д) хун олиш.

Зардўштийлар ақидасига кўра тўрт тоифа кишилар сўзсиз, ҳеч қандай ҳукм ва ҳакамсиз қатл қилинганлар. Булар: мурда (ўлимтик, ўлакса)ни ёқувчи, йўлтўсар қароқчи, баччабоз ва энг қабиҳ гуноҳ устида қўлга олинган кимса. Авестода Зардўштийлар ақидаси бўйича ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда дарра уриш

жазосидан кенг фойдаланилганлигини кўриш мумкин. Хусусан, Авестонинг Вандидот бўлими 4-фаргард (боб)ида кимда-ким бировни уриб, унга қаттиқ шикаст етказса, ушбу киши биринчи бор ўттиз марта (от думидан қилинган) қамчи билан, ўттиз марта хипчин (хивич) билан саваланиши, иккинчи бор эллик марта қамчи билан, эллик марта хипчин билан саваланиши, учинчи бор етмиш марта қамчи билан, етмиш марта хипчин билан саваланиши кўрсатилган. Шунингдек, Авестода бировни уриб, унинг қонини оқизган, суягини синдирган шахсларга нисбатан янада оғирроқ жазо, яъни кўпроқ дарра уриш жазоси берилиши кўрсатилган. Марказий Осиёда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳақидаги илк таълимотларнинг шаклланиши ва ривожланишида Аҳмонийлар давлатида (мил. авв. VI–V аср) қарор топган ижтимоий-сиёсий тузумнинг ҳам ўрни катта. Бинобарин, Аҳмонийлар давлатида подшоҳ ва унинг оила аъзолари ҳаётига, соғлиғига ва шахсига қарши қаратилган хатти-ҳаракатлар энг оғир жиноятлар ҳисобланиб, бундай жиноятлар подшоҳ томонидан кўрилиб ҳукм чиқарилган. Мазкур жиноятларни содир қилган кишилар ўлим жазосига ҳукм этилган. Аксарият ҳолларда жиноят содир қилган кишининг оила аъзолари ҳам ўлимга ҳукм этилган.

Давлат - жамиятнинг олий сиёсий институти бўлиб, шу жамият яшаётган мамлакат фуқаролари манфаатини ҳимоя қилиш учун ўрнатилади. Давлат мамлакат чегараларини ҳимоя қилади, бошқа мамлакатлар билан алоқада бўлади, қонунчилик билан шуғулланади.

Жамият - кишиларнинг тарихан қарор топган ҳамкорлик фаолиятлари мажмуи. Жамиятдаги ҳамма нарса моддий ва маънавий бойликлар, инсонлар ҳаёти учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш ва бошқалар муайян фаолият жараёнида амалга ошади. Инсонлар фаолияти ва улар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар Жамиятнинг асосий мазмунини ташкил этади. Булар ўз ичига оилавий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, эстетик фаолиятлари ва уларга мос келувчи муносабатлардир.

Ўзбекистон Республикаси «Ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси» тўғрисидаги Қонунинг 3-моддасида қуйидагича таъриф берилган. Ҳуқуқбузарлик -содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган айбли гайриҳуқуқий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик).

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси—ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виқтимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизими.

Ички ишлар органлари тизимида амалга оширилган ислоҳотлар жараёнига назар ташласак, профилактика хизмати фаолиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётганлигини кўришимиз мумкин. Ҳозирги кунда республикамиз ҳаётида муҳим ўзгаришлар юз бераётган бир пайтда профилактика хизмати фаолиятини такомиллаштириш, уни ташкил этишга янгича ёндашиш давр талабига айланиб бормоқда ва бунга мухтарам Президентимиз Ш. Мирзиёев бошчилигида кенг кўламли

ислохотлар амалга оширилмокда. Қайд этиш зарурки, «...инсонни фақат жазолаш билан, фақат репрессив усуллар билан тарбиялаб бўлмайди. Буни ҳаётнинг ўзи кўп бор исботлаган. Инсонни тарбиялаш учун бутун жамият ҳаракат қилиши, авваламбор, жинойи ҳолатларни туғдирадиган сабаб ва омилларни ҳаётимиздан бартараф этишимиз керак. Барчамиз биргаликда шу ишга ҳисса қўшишимиз керак».

Баён этилганлар орқали маълум бўладики, жиноятчиликнинг олдини олишда ички ишлар органлари ўзига хос ўрин тутди. Шу билан бирга, ички ишлар органларининг барча фаолият йўналишлари давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлари суд, прокуратура, солиқ кўмитаси, божхона, фавкулдда вазиятлар вазирлиги ҳамда бошқа длат органлари билан узвий боғлиқ бўлиб, жиноятчиликнинг олдини олишда ҳам улар билан доимий ҳамкорлик амалга оширилади

ФЙДАЛАНИЛГАН ВА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

I. Раҳбарий адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т., «Ўзбекистон», 2016. – 56 б.

2. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови.– Т., «Ўзбекистон», 2017.–48 б.

3. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги – инсон мафаатларини таъминлашнинг муҳим омилдир. – Халқ сўзи. – Т., 2017. 8 янв.

4. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қаттиқ тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак / Ш.М.Мирзаев; – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017.

5. Мирзиёев Ш.М. Инсон манфаатларини таъминлаш учун аввало унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, осуда ва фаровон ҳаёти ҳимоя қилинмоғи керак Халқ сўзи. – Т., 2017. 10 фев.

6. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017.

7. Мирзиёев Ш.М. 2020- йил 24-январдаги Ўзбекистон республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномаси

II. Қонун ва норматив ҳужжатлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т. 2021 й.

2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси

3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси

4. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарликни таъминлаш кодекси

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5325 сонли 2018 йил 2 февральдаги фармони

6. Ўзбекистон Республикасининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги 2014 йил 14 май қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2014. – № 20. – 221-м.

7. Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида” ги Қонуни. 2016 йил 14 сентябрь № ЎРҚ-406(Ахб.2016 й., № 9, 406-м).

8. Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги 2016 йил 16 сентябрь қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2016. – № 38. – 438-м.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сон // 2021 йил 26 март

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги «Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5050 сонли Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами

07/21/5050/0280-сон

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги «Жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПФ-27-сон Фармон// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 06/21/27/1116-сон